



191500, Sho'rchi tumani, Mustaqillik ko'chasi 72-uy, tel.: 0(376)45-74-100, fax: 0(376)45-74-100

2019 yil "30" o3

K 4945 - sonli

Шўрчи туманида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлик камраб олиш юзасидан тумандаги умумтаълим муассасаларининг микрохудудларини белгилаш тўғрисида

“Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 27-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим тўғрисида”ги Низомнинг 39-бандига асосан туманда мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга камраб олиш жараёнида умумтаълим муассасаларига бириктирилган худудлар (микрохудуд)ни аниқ белгилаб олиш мақсадида,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Шўрчи туманида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлик камраб олиш бўйича умумтаълим муассасаларига бириктирилган худудлар (микрохудуд) рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Туман халқ таълими бўлими У.Исаев ҳамда тумандаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари зиммасига мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлик камраб олиш ҳамда ўқувчиларнинг дарсларга катнашиш ҳолати юзасидан доимий мониторинг олиб бориш вазифаси юклатилсин.

3. Тумандаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган муассасага бириктирилган худуддаги мактаб ёшидаги болаларни ўз вақтида умумтаълим муассасасига ўқишга жалб қилиниши учун масъул ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

4. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси А.Нурбоевга маҳалла фуқаролар йиғини раисларига мактаб ёшидаги болаларни умумтаълим муассасаларига жалб этиш жараёнида туман халқ таълими бўлими ҳамда умумтаълим муассасаларга амалий ёрдам бериш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарор ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари А.Рахмонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Б.Алимов